

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил февраль ойининг 27 кунини жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: Ж.Каримов,

судья ёрдамчиси У.Рўзиёевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Кармана туман прокурорининг катта ёрдамчиси Л.Арзиёевнинг қатнашувида, судланувчи И.Нуруллоев ва унинг ҳимоячиси “Ишонч” адвокатлик фирмаси адвокати Н.Баротовларнинг иштирокида, судланувчи Нуруллоев Исломжон Илхомжоновичга нисбатан бўлган 1-2103-2401/18-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Нуруллоев Исломжон Илхомжонович (Nurulloev Islomjon Ikhomjonovich), 04.10.1993 йилда Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 27.04.2017 йилдаги ажрими билан ЖК 229-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши ЖК 66¹-моддаси билан тугатилган, якка тартибда меҳнат фаолияти шуғулланади, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “Бўзсув” М.Ф.Й, “Боғишамол” кўчаси 135-уй, 4-хонадонда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 31.10.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларни музокара сўзларини, судланувчининг охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Нуруллоев Исломжон Илхомжонович, 2023 йил 19 август кунини соат 11:30 ларда Кармана тумани “Самарқанд” ЙПХ масканида “Самарқанд-Бухоро” йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган фуқаро З.Алимухаммедов бошқарувида бўлган “Спарк”



русумли, 01 G 016 AC давлат белгили автомашина тўхтатилиб, ушбу машинани олд ён ўриндиғида йўловчи сифатида кетаётган Нуруллоев Ислонжон Илхомжонович эғнида бўлган кийими ва ёнлари кўздан кечирилганда, унинг эғнидаги шимининг ўнг чўнтагидан полителин пакетга ўралган, қонунга хилоф равишда ўзининг истеъмоли учун сақлаб келган, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМнинг 2023 йил 20 сентябрь кундаги 869-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, соф оғирлиги 0,07 граммга тенг бўлган озгинадан кўпроқ миқдоридаги “Метилкатинон” (Мефедрон) психотроп моддасини сақлаб келаётганлиги Навоий вилоят ИИБ ЖХХ ЙХХБ Кинология бўлинмаси, вилоят ТҚХ ЖҚБ ҳамда Кармана туман ИИБ ЖҚБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб, холислар иштирокида психотроп моддаси расмийлаштирилиб олинган.

“Метилкатинон” (Мефедрон) психотроп моддаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кунги 878-сонли қарорига асосан, гиёвандлик моддалари туркумига кириб, улар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш тақиқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи И.Нуруллоев айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у 2023 йил бошларида ўзига олдиндан таниш бўлган, ҳозирда вафот этган “Азамат” исмли танишидан “Мефедрон” психотроп моддасини истеъмол қилиб кўриш мақсадида олгани, “Азамат” исмли танишини қаерда яшашини, кимлар билан таниш эканлигидан умуман хабари йўқлиги, кейин ушбу “Мефедрон” психотроп моддасини истеъмол қилиши учун ўзида сақлаб келгани, 2023 йил 19 август куни соат 01:00 ларда ўзига олдиндан таниш бўлган Алимухаммедов Зоҳид ва Умаров Абдурасуллар билан биргаликда Бухоро шаҳрига айланиш мақсадида З.Алимухаммедовга тегишли 01 G 016 AC давлат рақамли “Спарк” русумли автомашинада йўлга чиққани, шунда шимининг ўнг чўнтагида “Мефедрон” психотроп моддасини солиб қўйгани, йўлда келиши давомида ушбу “Мефедрон” психотроп моддасини истеъмол қилмагани, ёнида “Мефедрон” психотроп моддасини сақлаб келаётганлигидан танишлари Алимухаммедов Зоҳид ва Умаров Абдурасулларнинг хабари бўлмагани, сўнг, шу куни соат 10:30 ларда Навоий вилоятига киришда, яъни, “Самарқанд-Навоий” ЙПХ постидан ўтаётган вақтида ИИБ ЙХХБ ходимлари уларни машинасини тўхтатишгани ва уларга ИИБ ходимлари ўзларини таништириб хизмат юзасидан бизни шахсига аниқлик киритишларини маълум қилишгани ва улар уччаласи ҳам автомашинадан ташқарига тушгани, автомашинадан тушиб ИИБ ходимларига ўзини таништиргани, ИИБ ходимлари уларни текширишларини маълум қилишгани ва уни ўнг чўнтагининг кичик чўнтагида бўлган оқ селлафан пакетга ўралган “Мефедрон” синтетик дори воситасини олишгани, сўнг Кармана тумани ИИБ



ходимлари ҳам унинг олга келиб, ундан олинган оқ целофан пакетга ўралган “Мефедрон” синтетик дори воситасини тегишли тартибда баённома асосида, унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирган ҳолда холисларнинг иштирокида расмийлаштириб олишгани, “Мефедрон” синтетик дори воситаси ИИБ ходимлари томонидан назорат тартибида электрон тарозида ўлчанган вақтда 0,71 грамми ташкил қилгани, унинг олдида Тошкентдан келаётган Алимухаммедов Зоҳид ва Умаров Абдурасуллар у “Мефедрон” синтетик дори воситаси борлигини билмагани, уларнинг ушбу ҳолатдан умуман хабарлари бўлмагани, унда “Мефедрон” синтетик дори воситаси борлигини уларга айтмагани, ушбу психотроп моддани ўзининг истеъмоли учун сақлаб келгани, бирор-бир кишига сотиш ёки ўтказиш мақсади бўлмагани, оиласида кўп йиллардан бери фарзанди бўлмагани учун ушбу моддани истеъмом қилиб келгани, қилган ишидан пушаймонлигини, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни билдириб кўрсатма берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Д.Баратов, у 2015 йил июль ойидан бошлаб, ички ишлар органларида, эгаллаб турган лавозимида эса 2023 йил март ойидан бошлаб хизмат олиб бораётгани, унинг хизмат вазифаларига жиноятчиликни олдини олиш, содир бўлган жиноятларни иссиқ изидан очиш, одам савдосига қарши қурашиш, терроризмга қарши қурашиш, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддалар айланмасига чек қўйиш, уюшган жиноятчиликка ва қурол билан қонунга хилоф равишда муомаласига чек қўйишдан иборатлиги, 2023 йил 19 август куни соат 08:30 ларда кунлик йўриқномадан сўнг, гиёҳвандлик ва психотроп моддалари ноқонуний айланмасига чек қўйиш мақсадида, Кармана туманида жойлашган “Самарқанд” ЙПХ масканига бориб, соҳавий хизмат вакиллари билан бирга ўз хизмат фаолиятини амалга оширишга киришгани, сўнг соат 11:30 ларда Навоий вилояти ИИБ ЖКБ ва ЙХХБ ҳамда ЖХХ ЖТСБ ходимлари билан ҳамкорликда “Самарқанд-Бухоро” йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган “Спарк” русумли 01 G 016 AC давлат белгили машинасини “Самарқанд” ЙПХ масканида тегишли тартибда тўхтатилиб, ҳайдовчи Алимухаммедов Зоҳиднинг ҳужжатлари текшириб кўрилгани, сўнг автомашинада З.Алимухамедов ва унинг 2 нафар таниши И.Нуруллоев ва А.Умаровлар ҳам бор бўлгани, йўловчи Нуруллоев Исломжон ўзини шубҳали тутганлиги сабабли, улар ИИБ ходимлари 2 нафар холислар иштирокида унинг эғнидаги кийимларини ва автомашина салонини кўздан кечиргани, кўздан кечириш давомида, Нуруллоев Исломжоннинг тўқ кук рангдаги шимининг олд томон ўнг чўнтагидан яшириб қўйилган оқ целофан пакетга қадоқланган оқ рангли кукунсимон кўринишидаги психотроп моддасига ўхшаш модда борлигини аниқлангани, у ва бошқа ИИБ ходимлари томонидан И.Нуруллоев ёнидан чиққан ушбу кукунсимон



модда электрон тарозида ўлчаб кўрилганда, целофан билан бирга 0,71 гр.ни ташкил қилгани, ушбу модда И.Нуруллоевдан қанақа модда эканлиги сўралганда, ушбу модда “Мефедрон” психотроп моддаси эканлигини, ушбу моддани ўз истеъмоли учун ўзининг ёнида сақлаб келаётгани, танишлари А.Умаров ва З.Алимухаммедовларнинг бундан хабари йўқлигини маълум қилгани, ушбу “Мефедрон” моддаси холисларнинг иштирокида жигар рангли конвертларга солиб муҳрлангани ва тегишли тартибда текшириб кўришлик учун баённома асосида расмийлаштириб олинганини, ИИБ тезкор бўлимида судланувчи Нуруллоев Ислонжон Илхомжоновичга нисбатан гиёҳванд ёки психотроп моддалар билан шуғулланиши ҳақида олдиндан тезкор маълумотлар мавжуд бўлмаганлигини билдириб кўрсатма берди.

Суд, судланувчи Нуруллоев Ислонжон Илхомжоновични айби, унинг суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда кўрсатмалари ўқиб эшиттирилган гувоҳ А.Умаров, З.Алимухаммедов, О.Ғойибназаров, ва А.Файзиеваларнинг сўроқ баённомаларидан ташқари, 02.10.2023 йилда туман ИИБ НҚ Шакл-1 китобига 10390-рақам билан қайд қилинган билдирги билан билан (иш.в.3), терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида тўпланган ҳужжатлар билан (иш.в.17-37), нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси билан (иш.в.4-7), Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг 20.09.2023 йилдаги 869-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосалари билан (иш.в.20-24), РСТЕИАМ Навоий филиалининг 28.08.2023 йилдаги 280/180-сонли судга оид тиббий кимёвий экспертиза хулосаси билан (иш.в.30-32), Республика ихтисослаштирилган наркология илмий амалий тиббиёт Навоий вилояти минтақавий филиалининг 24.08.2023 йилдаги 162-сонли судга оид наркологик экспертиза хулосаси билан (иш.в.36-37), нарсани ашёвий далил деб топиш қарор билан (иш.в.79) ҳамда бошқа жиноят иши материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 21-банди бешинчи хатбошисида, айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолган қисми кейинчалик суриштирув ёки дастлабки тергов давомида аниқланса, жавобгарлик қонунга хилоф равишда ўтказиш ва қонунга хилоф равишда сақлаш учун алоҳида-алоҳида (агар мазкур восита ва моддаларни ўтказишга нисбатан қасд аниқланмаган бўлса), уларнинг миқдорига боғлиқ равишда келиб чиқиши;



- 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Нуруллоев Ислонжон Илхомжоновичнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан нотўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Тергов жараёнида тўпланган иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, И.Нуруллоев ўзининг чўнтагида целофанда бўлган соф оғирлиги 0,07 граммга тенг бўлган озгинадан кўпроқ миқдоридаги “Метилкатинон” (Мефедрон) психотроп моддасини ўзининг шахсий истеъмоли учун сақлаб келинганлиги аниқлаган. Жиноий иши ҳужжатларида, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларида И.Нуруллоевнинг психотроп моддаларни бошқа шахсга сотиши ёки ўтказиши билан боғлиқ маълумотлар аниқланмаган.

Суд, юқоридагиларни инобатга олиб, судланувчи Нуруллоев Ислонжон Илхомжоновичнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмидан ЖК 276-моддасининг 1-қисмига қайта малакалашни лозим деб топди.

Суд, судланувчи И.Нуруллоевнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра, айбига иқрорлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, муқаддам судланмаганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципи



асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги Пленум Қарори ва жиноят қонуни талабидан келиб чиқиб, судланувчи И.Нуруллоевга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқдорлиги, қилган ишдан чин кўнгилдан пушаймонлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, жиноятни ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан у айбли деб топилаётган ЖК 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

ҳукм қонуний кучга киргач, И.Нуруллоевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилиб, гаров сифатида қўйилган 7.000.000 сўм пулларни И.Нуруллоевни ўзига қайтаришни;

ашёвий далил деб эътироф этилган ва ДХХ Навоий вилояти бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМнинг 2023 йил 20 сентябрь кундаги 869-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, соф оғирлиги 0,07 граммга тенг бўлган озгинадан кўпроқ миқдоридаги “Метилкатинон” (Мефедрон) психотроп моддасини тегишли тартибда йўқ қилишни;

тергов ҳаракатлари жараёни акс эттирилган бир дона “DVD” дискни ушбу жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи Нуруллоев Ислонжон Илхомжоновичнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмидан ЖК 276-моддасининг 1-қисмига қайта малакалансин.

Судланувчи Нуруллоев Ислонжон Илхомжонович (Nurulloev Islomjon Ilhomjonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топилсин.

Судланувчи Нуруллоев Ислонжон Илхомжоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмига асосан, ойлик иш ҳақининг 30 (ўттиз) фоизи давлат даромадига ушлаб қолиш шарти



билан 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин ва жазони ўташ муддати маҳкум иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижроси Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЖХХ Пробация бўлинмасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи И.Нуруллоевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилиб, гаров сифатида қўйилган 7.000.000 сўм пуллар ўзига қайтарилсин.

Ашөвий далил деб эътироф этилган ва ДХХ Навоий вилояти бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМнинг 2023 йил 20 сентябрь кунидаги 869-сонли судга оид кимөвий экспертиза хулосасига кўра, соф оғирлиги 0,07 граммга тенг бўлган озгинадан кўпроқ миқдоридаги “Метилкатинон” (Мефедрон) психотроп моддаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Тергов ҳаракатлари жараёни акс эттирилган бир дона “DVD” дискни ушбу жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ўн сутка муддат ичида, судланувчига эса, унга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб, Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибда, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ж.Каримов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

